

*Хайдаров Низамиддин Хамраевич,  
Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси ҳузуридаги  
Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти  
директорининг Илмий ишлар,  
инновациялар ва халқаро алоқалар  
бўйича ўринбосари и.ф.д., проф.*

## **МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР: МУАММО ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР**

*Мақолада маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ўрганилган. Кейинги йилларда маҳаллий бюджетларни бошқаришдаги меъёрий ўзгаришлар ўрганилган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари кўрсатиб ўтилган. Харажат йўналишлари таҳлил этилган. Муаммоларни ҳал этиш юзасидан инновацион таклифлар берилган.*

*В данной статье рассматривается роль и значение местного бюджета в составе государственного бюджета. Какие изменения произошли в правовом аспекте в управление местного бюджета. Указаны из каких источников формируется доход местного бюджета. Проанализированы затраты местного бюджета. Даны научно-инновационные предложения в решение возникших проблем.*

*This article discusses the role and significance of the local budget in the State budget. What changes have occurred in the legal aspect of the local budget? The sources of local budget revenue are indicated. Local budget expenditures are analyzed. Scientific and innovative proposals for solving the tasks are given.*

*Дунёвий давлатчилик шакиллангандан буён, давлат молиясининг таркибида Давлат бюджети муҳим ўрин касб этиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бир вақтнинг ўзида ҳам давлат молияси ва ҳам давлат бюджетида давр талабига мос равишда ўзгаришлар содир бўлди ва бу жарён изчил давом этмоқда. Пировардида, давлатчиликнинг таянчи бўлган аҳоли қатлами ва унинг фаровонлиги кун сайин яхшиланиб бормоқда.*

Сиёсий мустақиллика эришган илк кунлардан бошлаб, мамлакатимизда бир йўла иқтисодий мустақилликни ҳам қўлга киритиш учун давлат бюджетини тизимли ташкил этиш бўйча қатор тадбирлар амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва тармоқлар иқтисодига жорий этиш бўйича кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ҳар бир қабул қилинган қонун ва унга хизмат қиладиган меъёрий ҳужжатлар ўз макон ва замони талабига асосланган бўлиб, ўша давр учун мақбул ҳисобланди.

Кейинги йилларда мамлакат Давлат бюджетини жаҳон иқтисодий андозаларига мос равишда ташкил этиш ва уни изчил такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан асосийси 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” бўлиб, у кейинги 5 йилга мўлжалланган стратегик режа ҳисобланади. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида мамлакат муайян йил давомида ижро этиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилади.

Юқорида қайд этилган иккита улкан меъёрий ҳужжатда мамлакат бўйича тармоқлар иқтисодида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ичида Давлат бюджетига алоқадор бўлган масалалар ҳам алоҳида зикир этилган. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида Давлат бюджетига бевоста алоқадор бўлган қуйидаги долзарб йўналишлар кўрсатиб берилган:

➤ харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

➤ саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

➤ бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш.

Кейинги пайтдаги амалий ва статистик маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, юқорида қайд этилган йўналишлар қадам-бақадан изчил амалга оширилиб келинмоқда, албатта. Аммо, тезкор ҳал этилиш лозим бўлган

тадбирлар Президентимизнинг ҳар йилги Мурожаатномасида акс этган бўлиб, улар жорий йил учун қуйидаги йўналишларни қамраб олган:

➤ маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади;

➤ 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади;

➤ бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади;

➤ 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади;

➤ бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур;

➤ иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш лозим. Шуни ҳисобга олиб, жорий йилда истиқболли конларни аниқлаш ва мавжуд захираларни кўпайтириш учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилмоқда;

➤ қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиб, бу йўналишдаги ишларни албатта жадал давом эттираемиз. Бунга қўшимча равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш - Молия вазирлиги учун жорий йилдаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак;

➤ 2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилдагига нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади;

➤ жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарур;

➤ кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилади;

➤ давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади;

➤ 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратамиз. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Юқорида қайд этилган тадбирларнинг аксарияти олдинги йилларда ҳам кўзда тутилган тадбирлар сирасига киради. Аммо жорий йилдагиси маҳаллий бюджетлар ва тармоқлар иқтисодиётига ажратиладиган маблағларнинг азимлиги билан ажралиб туради. Яна бир ҳолатни алоҳида эътироф этиш жоизки, бунақаси муқаддам умуман учрамаган ва доимо аксарият солиқ тўловчилар азият чекиб келишган. Жорий йилдан бошлаб бундай ноҳолисликка барҳам берилиши, Президентимизнинг қуйидаги сўзларида акс этган: энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади. Бу тадбирнинг жорий этилиши эндиликда солиқ муаъмурияти ходимлари саводсизларча, мансаб лавозимини суъистимол қилиб, ҳуда-беҳуда солиқ ундириш ҳолларига барҳам берилади.

Давлат бюджети тизимини қонуний мувофиқлаштиришга қаратилган яна бир меъёрий ҳужжат бу, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” қонуни ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг ўзига хос ижобий томонлари кўп. Фикримизча, улардан асосийлари қуйидагилар:

- бюджет жараёни барча иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш;

- бюджетни қабул қилиш ва ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтириш;

- бюджет интизомини мустаҳкамлаш;

- бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Шунингдек, мазкур қонун орқали, Республика бюджети вазирлик ва идоралар кесимида Парламент томонидан тасдиқланиши; Маҳаллий бюджетлар ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланиши ва Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш учун Ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4.0 млрд. АҚШ долларарида белгиланди.

Шуни алоҳида мамнуният битлан қайд этиш керакки, 2020 молия йилида Давлат бюджетига тўланадиган қуйидаги солиқлар ставкалари сақланиб қолди. Хусусан:

- Қўшилган қиймат солиғи ставкаси (15%);

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12%);

- Дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ (5%);

- Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (2%);

- Айланмадан солиқ (4%);

- Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (0,2%).

Барча мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам давлат бюджетининг асосий қисмини маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштириш кўзда тутилган. Мамлакатда кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқий мустақиллиги ва молиявий ресурсларни харажат қилишда бир қатор энгилликлар тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий бюджетларда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

2020 молия йилида маҳаллий бюджетлар даромадлар, харажатлар ва республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари қуйидаги жадвалда маълумотларида акс этган.

**2020 йил маҳаллий бюджетлар даромадлар, харажатлар ва република бюджетидан олинаётган молиявий трансфертлар ҳақида маълумот<sup>1</sup>**

Т/р	Худудлар номи	Даромадлар	Харажатлар	трансфертлар микдори	Даромад ва харажатлар баланси %да
<b>1</b>	<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>2 833,3</b>	<b>2 833,3</b>	-	<b>100</b>
2	Андижон вилояти	2 187,4	2 803,6	616,2	78,0
<b>3</b>	<b>Бухоро вилояти</b>	<b>2 142,3</b>	<b>2 142,3</b>	-	<b>100</b>
4	Жиззах вилояти	1 050,8	1 499,0	448,2	70,1
5	Қашқадарё вилояти	2 935,7	3 693,8	758,1	79,5
<b>6</b>	<b>Навоий вилояти</b>	<b>1 353,6</b>	<b>1 353,6</b>	-	<b>100</b>
7	Наманган вилояти	2 016,5	2 994,2	977,7	67,3
8	Самарқанд вилояти	2 714,8	3 036,6	321,8	89,4
9	Сурхондарё вилояти	1 741,6	2 580,7	839,1	67,5
10	Сирдарё вилояти	751,1	1 095,0	343,9	68,9
<b>11</b>	<b>Тошкент вилояти</b>	<b>2 582,9</b>	<b>2 582,9</b>	-	<b>100</b>
12	Фарғона вилояти	3 005,6	3 357,5	351,9	89,5
13	Хоразм вилояти	1 402,2	1 859,2	457,0	75,4
<b>14</b>	<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>3 556,1</b>	<b>3 556,1</b>	-	<b>100</b>
	Жами:	30 273,9	35 387,8	5 113,9	85,5

2020 молия йилида мамлакатдаги 14 маҳаллий бюджетдан бор-йўғи 5 таси, яъни 35,7 фоизи ўз даромадлари билан ўз харажатларини 100 фоиз қопламоқда, қолган 9 та худуд эса република бюджетидан молиявий кўмак, яъни ҳозирги замон иқтисодий тили билан айтганда трансферт маблағлари олишга мажбур бўлмоқда. Фикримизча, бундай кўрсаткич, Харажатлар

Манба: <sup>1</sup> “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун асосида тайёрланган.



Стратегиясида маҳаллий бюджетлар бўйича чора-тадбирлар тўлиқ бажрилмаётганлиги ва бу жараён давр талабидан ортда қолаётганлигидан даолоат бермоқда. Шу боис, бундай камчиликни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан:

**Биринчидан,** Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хоржий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиш лозим.

Шунингдек, хорижий инвесторлар учун қандай солиқ имтиёзлари ва преференциялар, кўчмас мулк олиш имкониятлари ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар мажмуаси шакллантирилиб, ушбу икки ҳужжати хориждаги элчихона ва консуллик хизмати орқали кенг тарғибот қилиниши билан бирга, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги веб сайтыга ҳам жойлаштирилиши керак.

Бу, ўз навбатида, мамлакат ҳудудида хорижий инвесторлар янги ва хилма-хил инновацион ғоялари билан янги хўжалик субъектлари ташкил этиб, солиқ тушумлари ва янги иш ўринлари яратиш имконияти ўз-ўзидан пайдо бўлишга олиб келади.

**Иккинчидан,** Президентимиз мурожаатномасида: “энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади”, дейилган. Бизнингча, ушбу тартиб янада самарали бўлиши учун, тегишли суммани солиқ маъмуриятининг айбдор ходими иш ҳақидан ҳам ундириш механизмини жорий этиш керак. Акс ҳолда, солиқ маъмурияти ходими йўл қўйган камчилиги учун заррача азият чекмаяпти ва моддий зиён ҳам кўрмаяпти.

**Учинчидан,** айти пайтдаги амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, маҳаллий бюджетлар йил давомида тежаб қолган бюджет маблағларини йил якунида уларнинг ихтиёрида қолиш кўзда тутилган. Бу жуда яхши тартиб. Аммо, республика бюджетидан молиявий трансферт олаётган маҳаллий бюджетларга муайян бир чегара қўйиш лозим. Мисол учун, олинган трансфертнинг 10 фоизигачасини тежаш мумкин. Қолган қисми бўладиган бўлса республика бюджетига қайтариб олиш ёхуд кейинги йил бериладиган трансферт кўмагида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда маҳаллий

бошқарув органлари молиявий ресурсларни тежаймиз деб, умуммиллий ижтимоий тенгликка салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд.

2020 йил Президентимиз томонидан “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилинди. Мазкур анжуман институтимиз илмий ходимлари томонидан ушбу йилда бажариши лозим бўлган чора-тадбирларнинг бир қисми ижросини таъминлаётганидан далолат.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. //“Халқ сўзи” 2017 йил 8 февраль.
2. “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” қонун. //“Халқ сўзи” 2019 йил 10 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // “Янги Ўзбекистон” 2020 йил 24 январь.